

7-10-2019

TIPS AND METHODS OF USING NATIONAL FOLKLORE IN APPLIED ART LESSONS.

Nodirjon. Suyarov

Associate a teacher of the department of fine arts and engineering graphic

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Suyarov, Nodirjon. (2019) "TIPS AND METHODS OF USING NATIONAL FOLKLORE IN APPLIED ART LESSONS.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 63.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/63>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

TIPS AND METHODS OF USING NATIONAL FOLKLORE IN APPLIED ART LESSONS.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

АМАЛИЙ САНЪАТ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ.

Суяров Нодиржон Тахирович НамДУ, ТСМГ кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация: Аждодларимиз қолдирган маънавий ҳазинасининг улкан бир қисми халқ оғзаки ижодидир. Халқ оғзаки ижодининг қадимий жанрларидан бири ривоятлардир. Ривоятлар мавжуд ҳаётини маълумотларга таянган ҳолда тўқималар воситасида инсоний қадриятлар, инсоннинг эзгу орзу-умидлари, қувонч ва ташвишлари, этирослари акс эттирилади. Улардан амалий санъат машғулотида фойдаланишнинг шакл ва усуллари кўрсатилган.

Калит сўз: Графика, амалий санъат, *монорангли литография, тош босма, рангли литография*, нусхалаш.

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАРОДНОГО УСТНОГО ТВОРЧЕСТВА НА ЗАНЯТИЯХ ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА.

НамГУ, преподаватель Суяров Нодиржон Тахирович.

Аннотация: Устное народное творчество является огромной составляющей кладовой, оставленной нам предками по наследию. Легенды и сказания являются одними из самых древних жанров устного народного творчества. Легенды, основываясь на реальные жизненные события, посредством вымысла отображают надежды, мечты, радость, грусть и страсть человека, его человеческие ценности. В данной статье показаны формы и методы использования данных средств на занятиях прикладного искусства.

Ключевое слово: Графика, прикладное искусство, монорельсовая литография, роспись по камню, цветная литография, копирование.

TIPS AND METHODS OF USING NATIONAL FOLKLORE IN APPLIED ART LESSONS.

Suyarov Nodirjon. Associate a teacher of the department of fine arts and engineering graphic

Abstract: Most of the spiritual treasure left by our ancestors is folklore. One of the oldest genres of folklore is narration. Narratives reflect human values, human dreams, hopes, joys and cares through imaginary approaches based on existing vital information. They show the forms and methods of their use in applied art classes.

Keywords: Graphics, Applied Arts, Monorail Lithography, Stone Printing, Colored Lithography, Copying.

Жонажон ватанимизнинг мустақиллик йўлидаги тараққиёти бошқа барча соҳалари каби амалий санъат таълими мазмунини такомиллаштиришда ҳам янги-

янги илмий педогогик уфқлар сари интилишга чорлайди. Ўлкамиз ўтмишида амалий санъат кенг қўламли тараққий этган бўлиб, ҳар бир давр ўз мазмуни, шакли, характери жиҳатдан аълоҳида мактабларни юзага келтирган. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидланганидек “Янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади. Бунда ўзбек халқининг миллий ва маданий анъаналари, тажрибаси таълим-тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур”. Аждодларимиз қолдирган маънавий ҳазинасининг улкан бир қисми халқ оғзаки ижодидир. Халқ оғзаки ижодининг қадимий жанрларидан бири ривоятлардир. Ривоятлар мавжуд ҳаётий маълумотларга таянган ҳолда тўқималар воситасида инсоний қадриятлар, инсоннинг эзгу орзу-умидлари, қувонч ва ташвишлари, этирослари акс эттирилади[1].

Улар негизига тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти, воқеа ҳодисалар ётади. Халқ эртакларида ёвузликдан яхшиликнинг устунлиги, инсоннинг эзгуликка интилиб яшаши ёритилади, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, разолат каби нуқсонлар қораланади. Достонларнинг ғоявий ва маърифий аҳамияти шундаки, уларга юксак гўзалликка ва бахт-саодатга эришишнинг бирдан-бир йўли мақсадларга қатъий интилиши, сабр чидам, матонат, мардлик, қаҳромонлик кўрсатишдан иборатдир, деган ғоя илгари сурилади.

Латифалар заминида тарихий воқеалар, маиший ҳодисалар ётади. Уларда нодонлик, фирибгарлик, мунофиқлик, очкўзлик, айёрлик, ишёқмаслик, каби инсоний маънавиятга зид иллатлар қораланади. Меҳмондўстлик, ҳиммат меҳр-оқибат, сахийлик каби юксак қадриятлар улуғланади.

Шундай қилиб халқ ижодининг афсона, ривоят, халқ кўшиқлари эртак, достон, мақол, матал, аския, фолклор театри ва бошқа жанрларни тарбия жараёнида қўллаш замонавий таълим-тарбия жараёнининг муҳим бир йўналишини ташкил этади.

- халқ оғзаки ижодининг мазмуни миллий асосга эга ва у таълим-тарбиянинг пировард мақсадига хизмат қилади;
- халқ оғзаки ижоди муҳим илмий манба ҳисобланади. Ҳиссий тарбия жароёнини ақлий тарбия жароёнидан ажратилган ҳолда тассавур этиб бўлмайди. Бадиий эстетик манбалар ҳиссиёт орқали ақлни, ақл орқали эса ҳиссиётни тарбиялаш воситасдир;
- халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятларидан бири устоз ва шогирд анъанаси бўлиб, қачонлардир халқ томонидан эҳтиёжи асосида яратилган. Ҳаёт синовидан ўтган фалклор асарларини авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келган ва шу йўл билан тарбияда давомийлик, изчиллик тамойилига асос солган.

Ўзбек халқ оғзаки насрининг ўзига хос жанрларидан бири бўлган ривоятлар аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилиб, тилдан-тилга ўтиб, дилдан-дилга ўтиб, муайян бадиий силсила ҳолатига келган тафаккур мўжизаларидан бири ҳисобланади.

Ривоят авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя. Ривоятларнинг тарихий шахслар ва топономик характердагилари мавжуд. Топономик характердаги ривоятларда шаҳар, қишлоқ, қалъа, сарой, қаср, мақбара ва бошқаларнинг юзага келиши сабаблари билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади.

Тарихий шахсларга боғлиқ ривоятлар эса, тугал, мукамал ўзига хос кўринишга эга. Масалан: Ибн Сино, Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Машраб ва бошқа тарихий шахслар билан боғлиқ ҳаётий воқеа, ҳодисаларга асосланади. Бу ривоятлар оғзаки ва ёзма кўринишда бизга анъана тариқасида етиб келган ривоятларнинг ҳар-бири бирор мақсадга йўналтирилган бўлсада, ўзига хос чуқур фалсафий фикрга эга бўлади.

Ҳозирда амалий санъат машғулотлари жараёнида таълим-тарбиянинг энг муҳим масаларидан бири дарс самарадорлигини ошириш ва талабаларга чуқур билим, тарбия беришдан иборатдир. Бу ўринда Ота-боболаримизнинг маънавий меъросидан, миллий анъаналаридан фойдаланиш, уларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунга кўра дарс жараёнида ривоятлардан ўринли фойдаланиш ижобий натижалар бериш шубҳасиз, улар талабаларнинг маълум фан ва санъатга қизиқишини оширади ҳамда ўтилаётган дарс мазмунини тез тушунишига ёрдам беради.

Дарсларда ривоятлардан фойдаланишида қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

- бир неча ривоятни бир вақтда айтиб, талабаларни чарчатиб зериктириб қўймаслик.
- танланган ривоятнинг ўтилаётган дарс мавзусига мос бўлиши;
- ривоятни тушунарли ва ифодали тилда ҳикоя қилиб бериш;
- ривоятдан дарс жараёнида ўринли фойдалана олиш.

Амалий санъат машғулотларида таълим тарбия бериш жараёнида ҳалқ ривоятларидан яънада самарали фойдаланиш асосида талабаларга бадиий таълим-тарбия бериш учун амалий санъат дарсларида ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш модели яратилди, шу модел асосида дарс ўтганда ижодий натижаларга эришилди.

Халқимиз кўпгина хунарлар ҳақида ажойиб ривоят, ҳикоят, мақол ва матал, эртак ва бошқалар яратган. Булар эл орасида кенг тарқалиб, ҳозирги кунгача етиб келган. Халқимиз яратган ҳар-бир ривоят, ҳақиқат ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибаси махсулидир. Уларнинг бу тажрибалари орқали устозлар доимо ёшларни хунарли ва илимли бўлишига чақириб келганлар. Ёшларни халқ миллий анъаналарига суянган ҳолда тарбиялаш уларнинг руҳиятига ижобий таъсир этган.

Ўзбек ҳалқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган турларидан бири амалий санъат ҳисобланади. Амалий санъат турларининг келиб чиқиши тарихи деб номланган мавзуда талабаларга тушунтириш вақтида ўзбек тарихий обидалари, уларнинг беаги юзасидан суҳбат ўтказишда, улар билан боғлиқ бўлган баъзи бир

ривоят, ҳикоят, қизиқарли тарихий воқеалардан айтиб ўтиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқ амалий санъати турлари бўйича ташкил этилган дарсларни олиб боришда устоз ва шогирд ҳақида сўз кетганда қуйидагиларни айтиб ўтиш ўринли бўлади. Шогирд, уста ва устоз деган номни олиш қийин. Шарафли номларни олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун кўп йиллар давомида мураккаб синовлардан ўтганлар. Улар қадимдан ҳар бир қилган иш учун боши билан жавоб берганлар. Чунончи, уста деган номни олиш осон эмаслиги қуйидаги ривоятда ўз аксини топган”. Бир киши ўзини уста деб атагани учун Бухоро амири қаттиқ ғазабланади. Чунки кўплаб хунармандлар орасида бу шарафли номга камдан-кам инсон муяссар бўлган экан. Ғазабланган амир бу одамни зиндонга ташлашни, хунарни кўрсатиб ўзини оқламагунча озод қилмасликни буюрибди. Унинг ҳеч қандай иш қуроли йўқ экан, ҳамиша ёнида олиб юрадиган пичоғи билан бир кечада зиндон деворига шу қадар гўзал нақш чизибдики, бундай нақшни фақат эртак ёки тушда кўриш мумкин. У уста деган номни ана шундай оқлабди”.

Ганч, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик машғулотида занжира турларини ўргатишда, “Чашмаи булбул занжира” деб номланган ривоятни айтиб ўтиш мумкин. Унда нақл қилинишича, ўтган замонда бир подшонинг хушрўй қизи бўлган экан. У мискар устанинг ўғлини севиб қолибди. Бу воқеа элга овоза бўлибди. Бундан подшо дарғазаб бўлиб, йигитнинг отасини зиндонга ташлабди. Йигит эса кун-у тун изтиробда янги нақш излабди. Ниҳоят қумуш баркаш ҳошиясига отаси банди этилган занжирнинг тасвирини нақшлабди.

Подшоҳ мискарнинг ўғли бизнинг иродамизга шак келтирибди, деб унинг бошини танидан жудо этишни буюрибди. Ана шунда бир донишманд уста, йигит нақшланган баркашни саройга келтирибди.” Шаҳаншоҳим,- дебди донишманд, ёш йигитни бир қошиқ қонидан ўтинг, занжир халқаси орасига нуқталар қўйиб чиқилибди”. Чизилган нақшда худди булбулнинг кўзига ўхшаб қолганини кўрган подшоҳ йигитни озод этибди, шу-шу бу нақш турини “Чашмаи булбул занжира” дейдиган бўлибди.

Баъзи талабалар дарсда ёки тўғарақларда мен бу хунарни яхши ўрганиб олдим, деб шошқолоқлик қиладилар. Кейин эса ўзлари уялиб қоладилар. Чунки, бирор хунарни устоздан маромига етказиб ўрганиш жуда машаққатли вазифадир. Шу ўринда хунармандчилик машғулотида шошқолоқлик шогирд ҳақидаги ривоятни келтириш мақсадга мувофиқдир.

“Қадимда замонасининг етук кулолларида бирининг хунарига эътиқод қўйган бир йигит келиб, устага шогирд тушади ва иш услубларини қунт билан ўргана боради. Шу аснода бир неча йиллар ўтади. Йигит: “Мен устамда бўлган барча хунарларни беками-кўст ўргандим. Лекин негадир уста менинг мустақил ишлашим учун оқ фотиҳа бермади. Бундай юрсам, юравераман, энди ўзим ишлашим керак” деган фикрни дилига жо қилиб, уйда худди устасиникидек датгоҳ ва хумдон ясайди. У устасиникида бажарган барча услуб, қонун-қоидаларга асосан ўзи мустақил иш

бошлайди. Дастлаб кўза, коса, товоқлар лойини меъёрида тайёрлаб, қуритади-да, ҳумдонга теради. Очиғи, устасиникида бажарган ишларидан ортиқроқ қилиб, шошилмасдан барча усуларини бажаради. Тайёрланган маҳсулотларини бозорга чиқариб териб қўяди. Бошқа кулоллар ҳам ўзмаҳсулотларини келтириб қўядилар. Одатда, бозор беги барча расталарга келтирилган молларни кузатиб, уларга нарх белгилаб чиққанидан кейин, савдо-сотик бошланар экан. Бозор беги кулоллик растасига келгач, раста сардори бозор бегига “бугун растамизга янги уста датлабки ишини келтирибди” деб маълум қилади. Шунда бозор беги барча кулолларнинг ишини кузатиб, нарх қўяди, навбат янги “устага” етганда, унинг бажарган ишларидаги камчиликларини айтади. Кулоллар келажақда бу нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида ўзмаслаҳатларини берадилар. Шундай қилиб шогирднинг бозори касодга учрайди. Эртаси куни шогирд устаси ҳузурига келади ва ўз бошимчалик билан қилган иши учун узр айтади-да, ўзи бажарган ишларининг камчиликлари ҳақида маслаҳат беришни сўрайди. Уста шогирдга “Камчиликларни иш давомида ўрганасан”, дейди. Хуллас, шогирд яна икки йил уста билан ҳамкорликда ишлайди. Лекин шогирд ўзхатоси нимада эканлигини тушуниб етмайди. Кунлардан бирида ҳумдонда пиширилган коса ва товоқларни олиб, “Мен тайёрлаган коса ва товоқларнинг ҳам ранги шундай эди, фарқини ва камчилигини била олмаябман”, - дейди. Шогирднинг тушкунликка тушганини кўрган уста кўнгли юмшаб, ҳали совимаган товоқни икки четидан оҳиста ушлаб юзига ва ён атрофларига пуфлайди-да, кейин шогирдига “бунинг боиси шу” деб, товоқни яна шогирдига узатади. [2]

Шогирд қараса, товоқ юзасидаги хиралик кетиб, унинг ранги нафисланади. Шунда ўзи ҳам ҳумдондан бир товоқни олиб, худди устасидек ушлаб, пуфлаган экан, у ҳам жилोलанибди. Ўзининг ҳунар ўрганишида сабрсизлик қилганидан уялган шогирд устасидан узр сўраб, миннатдорчилик билдиради, шундан кейин уста: “Энди ўзинг мустақил ишлашинг мумкин”, деб фотиҳа берган. [3]

Устоз-отангдан улуғ; Буюк мутафаккур шоир Алишер Новий Абдурахмон Жомий яшайдиган маҳаллага яқин келганда отдан тушиб, устози яшайдиган маҳалла аҳли билан қуюқ саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб, отига минмай Жомий уйигача пиёда борар экан. Шунда бир темирчи сўрабди: “Нечун устоз уйига етмай туриб отдан тушиб оласиз. Ахир сиз вазири аъзамсиз-ку! Сизга шундоқ юриш ярашмас”. Алишер Навоий жилмайиб туриб, шундай дебди: “Йўқ биродар, мен ҳозир устозим Абдирахмон Жомий яшайдиган маҳаллага келдим. Демак бу ерда яшовчи ҳар бир фуқоро устозимнинг тобуткашлари ҳисобланади. Шундоқ бўлгач, нечун мен улар, яъни сиз мухтарамлар олдида ҳурматсизлик қилишим керак.

Устозимни қандай авайлаб – эъзозласам, сизларни ҳам шундоқ кўргумдир. Талабалар тарбиясига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан бири ҳадис, ривоятлардир. Ушбу ҳадислар, ривоятлар бисёр фақатгина дарс машғулотида тўғри қўллай олинса, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига ўз таъсирини кўрсатиб ижобий томонларига ўзгартира олади.

Ривоятлар, ҳадислар биздан олдинги буюк алломаларимзни шаклланишига буюклик даражасига эришишига олиб келган. Ҳозирги давр талаби ҳам талабаларни амалий санъат машғулотларини олиб боришда ҳадис ва ривоятлардан фойдаланилса уларнинг тарбиявий жиҳатларини ва руҳий оламини шакллантиради[4].

References:

1. Kaykovus. Qobusnoma. T., "O'qituvchi", 1986.
2. Sa'diy–Sheroziy. "Guliston". –G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1968.
3. Xusayn Voyis Koshifiy. Futuvvatnomai sultoniy. T., "Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti", 1994.
4. Qurbunov T., Odobnoma. T., "O'qituvchi", 1991.